

Юрдошимиз Қуръон карим мусобақасида иштирок этади



16:35 / 17.10.2018 3055

Жорий йилнинг 18-21 октябрь кунлари Қуръони каримни тажвид қоидаси билан ёддан ўқиб бериш бўйича Россия Федерациясида XIX Халқаро Қуръони карим мусобақаси ўтказилади. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Халқаро алоқалар бўлими хабар берди. Мазкур мусобақада юртимиздан “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси-2018” Республика босқичи 18-25 ёшлилар ўртасидаги ҳифз йўналиши 1-ўрин соҳиби, Андижон шаҳридаги “Саййид Муҳйиддин маҳдум” ислом билим юрти талабаси Муҳаммадисо қори Маҳмудов иштирок этади.

Хабарда айтилишича, мазкур мусобақанинг ташкилотчиси Россия мусулмонлари диний идораси ва Россия муфтийлари кенгаши саналади. Мусобақанинг финал босқичида бутун дунёдан 30 нафардан ортиқ қорилар

иштирок этади.

21 октябрь куни эса Москвадаги Crocus City Hall концерт залида Қуръон байрами ўтказилади. Байрам тадбирида XIX халқаро Қуръони карим мусобақасининг финал босқичи ўтказилиши режалаштирилган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**